2013 йил 10 июнь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 113 (12.424)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Асқар Ёқубов ЎзА олган сурат

**Тошкентда бўлиб ўтган Тўқимачилик форумида Ўзбекистон енгил саноатига инвестиция киритиш борасида яратилган кенг имкониятлар намойиш этилди.**

## ЕНГИЛ САНОАТ: ИНВЕСТОРЛАР УЧУН ЭНГ МАҚБУЛ ТАКЛИФЛАР

Тадбир «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO), «Rieter AG» (Швейцария), «Indorama Industries» (Сингапур) компаниялари кўмагида ташкил этилди.

Унда Австрия, Болгария, Ҳиндистон, Италия, Корея, Сурия, Сингапур, Туркия, Швейцария ва Япониядан ўттиздан ортиқ йирик тўқимачилик компаниялари, шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари қатнашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Ғаниев асосий капиталга инвестиция киритиш ҳажмининг ортиб бораётгани ва бу кўрсаткич 2012 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 22,9 фоизини ташкил қилгани Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал суръатлар билан барқарор ўсишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Ўтган йили қиймати 11,7 миллиард долларлик ички ва чет эл инвестицияси жалб этилди. Бунда жами инвестицияларнинг 22 фоизидан ортиғи ёки 2,5 миллиард доллардан зиёди хорижий инвестицияларни ташкил этди. Уларнинг 79 фоиздан ортиғи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Ушбу инвестицияларнинг катта қисми янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича дастурлар ҳамда лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида Ўзбекистон инвестиция сиёсатининг янги йўналишлари белгилаб берилди. Фармонга мувофиқ чет эллик инвесторларга, аввало, мамлакатимиз минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этишни рағбатлантиришни кучайтириш учун янги имтиёз ҳамда преференциялар берилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг истиқболли тармоқларидан бири бўлган енгил саноат қўшимча қийматга эга юқори технологияли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга хомашё сарфлаб, ташқи бозорга товар етказиб бериш тузилмасини ўзгартирган ҳолда ўзининг экспорт салоҳиятини йилдан-йилга оширмоқда. 2013 йилнинг биринчи чораги якунига кўра, тўқимачилик корхоналари 49,3 минг тонна калава, 6,5 минг тонна тўқимачилик полотноси, 31,2 миллион дона трикотаж буюм ишлаб чиқарди. Шу йилнинг биринчи чорагида корхоналар томонидан қиймати 437,9 миллиард сўмлик маҳсулот, 153,3 миллиард сўмлик истеъмол товарлари тайёрланди. Экспорт ҳажми 190 миллион доллардан ошди.

– Ўзбекистон юқори сифатли пахта етиштириш ва уни мамлакатнинг ўзида қайта ишлаш борасида улкан имкониятларга эга, – деди «Daewoo Textile Bukhara» ва «Daewoo Textile Fergana» хорижий корхоналарининг савдо бўйича бош директори Жейсон Ли. – «Daewoo International» компанияси (Жанубий Корея) мамлакатингиз енгил саноатига 1996 йилда, яъни Фарғонада пахта толасини қайта ишлаш корхонаси ташкил этилганида инвестиция киритган эди. Ўзбекистонда инвесторлар учун яратилаётган кенг имкониятларни эътиборга олиб, 2009 йилда Бухорода ҳам шундай корхона барпо этилди. Мазкур икки корхонада йилига 50 минг тонна калава ва 40 миллион метр мато ишлаб чиқарилмоқда. Шунинг 40 фоизи ташқи бозорларга етказиб берилаётир.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИГА БАҒИШЛАНДИ

***Яқинда Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институтида Ўзбекистоннинг бой маданияти ва ранг-баранг санъатига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

Мамлакатимизнинг Пекиндаги элчихонаси томонидан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда юртимизнинг бой тарихи, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ амалий санъати, ўзбек миллий мусиқа ва рақслари ҳақидаги маълумотлар тақдимот иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон заминидаги кўҳна шаҳарлар ва бутун дунёга машҳур меъморий ёдгорликлар, халқимизнинг урф-одат ва анъаналари, юртимизнинг ўтмиши ва замонавий тарихига оид ахборотлар тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тақдимот меҳмонлари мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий соҳаларда эришилган муваффақиятлар ҳамда республикамизда ўтказиб келинаётган нуфузли анжуман ва тадбирлар хусусидаги маълумотлар билан бирга «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси каби жамоат ташкилотларининг фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

**Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институтининг директори вазифасини бажарувчи Ли Юнцюань** тақдимотдан орттирган таассуротларини ўртоқлашар экан, Ўзбекистон — Хитой маданий алоқаларининг янада ривожланишини тўла қўллаб-қувватлашини маълум қилди. У Ўзбекистон заминидаги ажойиб меъморий ёдгорликлар ва халқимизнинг бой маданий мероси ўлкамизнинг улкан сайёҳлик салоҳиятига эга эканлигидан далолат беришини таъкидлади. Шу ўринда Ли Юнцюань мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик олиб боришлари учун катта салоҳият мавжудлигини қайд этди.

Мазкур институт директорининг муовини **Сунь Ли** бўлиб ўтган тақдимот яқинда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан Пекинда ўтказилган «Ўзбекистон ва Хитой стратегик ҳамкорлиги» мавзуига бағишланган давра суҳбати ҳамда Мунозара клуби йиғилишининг мантиқий давоми сифатида хизмат қилганини айтди. Сунь Ли таъкидлаганидек, тадбир хитойлик олимларга Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари шаҳарлари ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлиш имконини берди.

Тақдимот якунида Тошкентнинг XIX аср охиридан бошлаб ҳозирги давргача бўлган тарихини ўзида акс эттирган 400 дан ортиқ суратлардан иборат бўлган «Тошкент: бир шаҳар тарихи» китоби ҳамда Франция, Италия ва ўзбекистонлик сураткаш, дизайнер, этнограф ва адиблар томонидан яратилган «Фонд Форум тақдим этади: Ўзбекистон» китоб-альбоми сингари ноёб нашрлар Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти кутубхонасига тақдим этилди.

**«Жаҳон» АА**
**Пекин**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ЭТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРДИЛАР

***7 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси давом эттирилди. Унда депутатлар тасдиқланган кун тартибига кўра, иккинчи ўқишда иккита қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари аввалроқ ўз йиғилишларида кўриб чиққан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда саволлар ҳамда таклифлар билан сўзга чиқдилар.***

«Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) келтириб чиқарадиган ОИТС касаллиги ҳозирги вақтда барча мамлакатлар учун глобал муаммога айлангани қайд этилди.

ЎзЛиДеП фракцияси вакилларининг таъкидлашича, Ўзбекистонда ушбу касалликнинг олдини олиш бўйича доимий тизимли иш олиб борилмоқда. 1999 йил августда қабул қилинган «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Қонун ушбу соҳани тартибга солишга қаратилган асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Шу билан бир вақтда, халқаро тажрибани ҳар томонлама таҳлил қилиш ўтган давр мобайнида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш масаласига ёндашувлар кескин ўзгарганлигини кўрсатмоқда. Бу ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи амалдаги қонунни янада такомиллаштириш зарурлигини белгилаб берди. Амалдаги қонунда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси фаолияти, унинг ваколатлари, уни ташкил этиш тартиби ҳуқуқий тартибга солинмаган.

Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш босқичма-босқич такомиллаштириш йўли билан амалга оширилмоқда, – деб таъкидлашди ЎзХДП фракцияси депутатлари. Шу муносабат билан мамлакатимиз ва чет эл тажрибасига мувофиқ ушбу соҳани тартибга солишга қаратилган «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги Қонунни такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди.

Қонун лойиҳасида ушбу соҳанинг ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишга доир муҳим нормалар ўз аксини топган ва ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати белгиланган. Масалан, тиббий текширувдан ўтиш тартиби алоҳида нормалар билан белгиланмоқда. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши бу йўналишда иш олиб бориш ва тадбирлар ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтиради, бунда Қонунда масъул шахсларнинг ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари янада аниқроқ белгилаб қўйилади, деб ҳисоблайди ЎзХДП фракцияси аъзолари.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг «Yangi intellekt — 2013» — энг яхши интеллектуал мулк объекти учун танловига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ГЛИЭР** номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида мусиқа, санъат ва маданият йўналишидаги ўрта махсус таълим муассасалари ёш ижрочиларининг республика кўрик-танлови бошланди.

✓ **«ИСТИҚЛОЛ»** саройида «Zo'r-Zo'r Star» телевизион мусиқий лойиҳаси якунига бағишланган гала-концерт ўтказилди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Самарқанд шаҳрида «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази ва вилоят ҳокимлиги томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда вилоятдаги миллий маданий марказлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

**● Хива шаҳрида «Uzbekistan Travel Workshop – 2013» минтақавий сайёҳлик форуми бўлиб ўтди. Биринчи марта ташкил этилган «Workshop – 2013» минтақавий сайёҳлик форуми жорий сайёҳлик мавсумидаги энг муҳим анжуманлардан бири бўлиб, ички туризмни ривожлантириш масалалари муҳокамасига бағишланди. Тадбирда мамлакатимизнинг сайёҳлик соҳасида фаолият юритаётган кўплаб етакчи фирма ва компаниялари, меҳмонхоналари, дам олиш масканлари вакиллари, мутахассислар ва экспертлар иштирок этди.**

**● «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида Тошкент вилоятида ўтказилаётган саломатлик ҳафталиги тадбирларида беморларга аниқ ташхис қўйилиб, самарали даволаниш бўйича тегишли маслаҳат ва тавсиялар берилмоқда. Қишлоқлар аҳолиси, хусусан, диспансер ҳисобида турадиган беморлар, ногирон ва хотин-қизларга зарур ва малакали тиббий хизмат кўрсатилаётир.**

**● Сирдарё вилояти Гулистон туманида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Аҳмад Яссавий номидаги маҳаллада барпо этилган замонавий спорт комплексида спортнинг енгил ва оғир атлетика, бадиий гимнастика, кураш, бокс каби турлари билан шуғулланиш учун барча шароит яратилган. Мажмуада аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича махсус курслар ҳам ишлаб турибди. Айни кунларда ушбу маскан маҳалла ёшлари ва хотин-қизлари билан гавжум.**

### ЖАҲОНДА

**● Global Destination Cities Index тадқиқотларига кўра 2013 йилда Таиланд пойтахти Бангкок жаҳондаги сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган шаҳарга айланади. Режалаштирилган самолёт рейслари ва сайёҳлар томонидан олдиндан белгиланган чипталар асосида ушбу хулосага келинди. Яъни Бангкокка жорий йилда 15,98 миллион киши ташриф буюриши кутилмоқда. 15,96 миллион туристни қабул қилиши кутилаётган Лондон эса иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Улардан ташқари биринчи бешликка Париж, Сингапур ва Нью-Йорк шаҳарлари ҳам кирган.**

**● АҚШ маъмурларининг сўзларига кўра, интернет қароқчиларига қарши кураш янги даражага кўтарилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу мамлакат маъмурлари кинофильмларни ноқонуний тарзда бепул тарқатиш билан шуғулланаётган 9 та интернет сайтларини ёпдилар. Ушбу сайтларнинг эгаларига орасида янги фильмлар ҳам бор киноленталарни бепул томоша қилишга кўмаклашиш айби қўйилмоқда. «Қароқчилар»га қарши операция чоғида шунингдек, 15 та банк ҳисоб-рақамлари ҳам ёпиб қўйилди.**

**● Олимлар томонидан инсон организмининг ҳаётий фаолияти билан боғлиқ барча муҳим ўлчамлар тўғрисида зудлик билан маълумот беришга имкон яратадиган янги қурилма яратилди. Scout деб номланган ушбу қурилмани инсон пешонасида ўн сония ушлаб туриши кифоя. Тез орада тана ҳарорати, юрак қисқаришларининг сони ва меъёри, қондаги кислород миқдори ва стресс даражаси ҳақида маълумотлар дарҳол намоён бўлади. Муҳими шундаки, ушбу қурилмадан уй шароитларида ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, қон босими хасталикларига чалинган кишиларга бениҳоя ёрдам беради.**

Мазкур танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг Ватанга садоқат, унинг тақдири ва равнақига дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишини рағбатлантириш, уларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Танловда талабалар ўзларининг шоирлар, бастакор ва хонандалар ҳамкорлигида яратилган Ватан ва истиқлолни мадҳ этувчи, миллий ўзликни англаш мавзуларидаги янги қўшиқларини ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этишди. Ҳакамлар ҳайъати кўрик-танловга тақдим этилган асарларни баҳолашда унинг матни, мусиқа ва ижро маҳорати, қўшиқ мусиқасининг ўзига хослиги, мавзунинг янгилиги, мазмундорлиги, Ватанни шарафлайдиган, ор-номус, қадр-қиммат, ғурур ва ифтихор каби фазилатлар маҳорат билан ифода этилганлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

**Танловлар**

# «ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!»

***Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг биринчи босқичи бўлиб ўтди.***

Буюк ва муқаддас Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олдидан ўтказилаётган ушбу танловнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, унда истеъдодли талабалар билан бир қаторда таълим муассасаларидаги профессионал, ҳаваскор бадиий жамоалар, ансамбллар ҳам иштирок этиши мумкин.

— Бугунги танловда Ватан ҳақидаги қўшиқни ижро этдим, — дейди кўрик-танлов иштирокчиси, университетнинг халқаро журналистика факультети талабаси Ҳасанжон Олимов. – Қўшиқни юракдан айтганим учунми, ҳакамларга маъқул келди. Мана шундай юқори савиядаги танловларнинг тез-тез ўтказилиши иқтидорли тенгдошларимиз билан ўзаро фикр алмашиш, уларнинг ижоди билан яқиндан танишиш каби жиҳатлари билан аҳамиятлидир.

Тадбир сўнгида ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб деб топилган иштирокчилар рағбатлантирилди ва танловнинг кейинги босқичида иштирок этиш йўлланмасига эга бўлди. Танловнинг навбатдаги босқичини эса жорий йилнинг 20 июнь куни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш кўзда тутилган.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**
**ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси**

**Тадбирлар**

# ЁШЛАР ЗАРАРЛИ ОДАТЛАРГА ҚАРШИ

***Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти таклифи билан 1988 йилдан бошлаб жаҳон чекишга қарши кураш куни ўтказиб келинмоқда. Бундан мақсад, ер юзидаги жамоатчиликни тамаки чекишнинг зарари, салбий оқибатларидан огоҳлантиришдир.***

Таъкидлаш жоизки, никотин — наркотикларнинг энг кўп учрайдиган тури ҳисобланади. Инсонда чекишга бўлган мойиллик тез ривожланиб, даволаш жараёни жуда оғир кечади. Бунда инсоннинг иродаси жуда кучли бўлиши лозим, чунки чекишни ташлаган ҳар бир инсонга «бошқа чекмайди» деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали Мирзо Улуғбек туман тиббиёт бирлашмаси ва Қизил Ярим Ой жамияти Мирзо Улуғбек туман бўлими билан ҳамкорликда Бутунжаҳон чекишга қарши кураш куни муносабати билан «Биз ёшлар зарарли одатларга қаршимиз» шиори остида тумандаги «SOS» болалар шаҳарчасида тадбир ўтказди. Тадбир давомида болажонлар асфальтга расм чизишди ва турли викториналар, кўрик-танловлар ташкил этилди. Мақсад ёшларга зарарли одатларнинг инсон организмига салбий таъсирларини кўрсатиш, уларда тиббий маданиятни шакллантириш, соғлом турмуш тарзига жалб қилишдир.



Кўриклар ва викториналар ғолибларига тадбир ташкилотчилари ва ҳамкорлари томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

## *Ҳурматли ҳамшаҳарлар!*

***Тошкент шаҳрида 2013-2014 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2013 йил 17 июндан 2 августгача иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда механик мустаҳкамлик ва зичликка (юқори босим) иссиқлик тармоқлари синовлари ўтказилади.***

## Иссиқлик манбалари таъсир доирасининг манзилли рўйхати:

**1-ИМ (М-1,4)**
1 июль ва 22 июль кунлари — Мустақиллик шоҳ кўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Бодомзор йўли, И.Мўминов, Кичик ҳалқа йўли, Дўрмон йўли, Шаҳриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Боғишамол, Паркент кўчалари, Тамарахоним тор кўчаси, Тошқишлоқмаш, Мавлоно Риёзий, Яланғоч, Бўз-1 турар жой мавзелари, ТошГРЭС қўрғони, Ҳамид Олимжон майдони.

**2-ИМ**
27 июнь ва 18 июль кунлари — Мирзо Улуғбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Ш. Бурхонов, Р.Ҳамроев, Салом кўчалари, Қорасув – 1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой мавзелари, Геофизиклар қўрғони.

**3-ИМ (М- 1,4)**
26 июнь ва 25 июль кунлари — Бунёдкор шоҳ кўчаси, Навоий, Олмазор, Беруний, Ўзбекистон, Қоратош, Фурқат, Афросиёб, Кичик ҳалқа йўли, Самарқанд Дарвоза, Абай, Абдулла Қодирий, Умид 1-тор кўчаси, Шифонур, Маннон Уйғур кўчалари, 1-Қорақамиш кўчаси, Чорсу майдони, Чорсу, Қоратош, Олмазор, Бешёғоч, М-10,11,13,14, М-26, 27, 28, Б-1, Б-2, Б-3, Қорақамиш 2/1,2/2 турар жой мавзелари.

**4-ИМ (М-0)**
24 июнь ва 15 июль кунлари — Амир Темур шоҳ кўчаси, Осиё, Боғишамол, Минор 1-берк, Бодомзор йўли, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўрик, Абдулла Қодирий, Бодомзор кўчалари, М-1,2,5,6 турар жой мавзелари, Ҳамид Олимжон майдони.

**4-ИМ (М-1)**
21 июнь ва 8 июль кунлари — Кичик ҳалқа йўли, Абдулла Қодирий, Гулсарой, Себзор, Олтинсой, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Шайхонтоҳур, Баҳор кўчалари, Қорақамиш 1-кўчаси, М-12,15, М-17,18 (Себзор), Тахтапул, Қорақамиш 1/1,1/2,1/3,1/4, 2/1,2/2, 2/5 турар жой мавзелари.

**4-ИМ (М-4,8)**
17 июнь ва 11 июль кунлари — Амир Темур шоҳ кўчаси, Аҳмад Дониш, Янгишаҳар, Деҳқонобод, Соҳибкор, Шаҳристон, Уч Қаҳрамон, Мойқўрғон, Қулоқтепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид кўчалари, Юнусобод мавзеси 1÷19 даҳалари.

**5-ИМ (М-0)**
18 июнь ва 9 июль кунлари — Чилонзор мавзеси 11, 12, 17, 18, 19, Г9А, 20А, 24, 25, 26-даҳалари, Дўмбиробод турар жой мавзеси, Фарҳод, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Қозиробод, Катта Хирмонтепа, Ширин кўчалари.

**5-ИМ (М-4)**
24 июнь ва 17 июль кунлари — Чилонзор мавзеси 5÷11, М, 16, 17, 19, 20-даҳалари, Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий-1,2, Оқтепа турар жой мавзелари, Заргарлик, Гулистон, Муқимий, Чўпонота, Боғибўстон, Кичик ҳалқа йўли, Катта Хирмонтепа, Ширин, Қатортол, Самарқанд Дарвоза кўчалари, Оқтепа микротумани.

**6-ИМ**
26 июнь ва 10 июль кунлари — Мунис, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Қўйлиқ, Абдурауф Фитрат, Фарғона йўли кўчалари, Қўйлик -1÷7, Қўйлиқ – Айланма йўли турар жой мавзелари.

**7-ИМ**
20 июнь ва 18 июль кунлари — Қорасув, Бешариқ, Бирлашган, Элбек, Асалобод, Қурувчилар, Уйсозлар, Оҳангарон кўчалари, Тузель – 1,2,3,4, ДСК-1, Асалобод –1,2, Авиасозлар турар жой мавзелари.

**8-ИМ**
18 июнь ва 15 июль кунлари — Сергели 1÷ 8А, Йўлдош – 8,15,16,17, Дўстлик – 1,2 турар жой мавзелари, Янги Сергели йўли, Меҳригиё, Сўғдиёна, Қипчоқ, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Қўрғонтепа кўчалари.

**9-ИМ**
27 июнь ва 23 июль кунлари — Чилонзор мавзеси 9, Г9А, 10, 13÷15, 15А, 21÷25, 30, 31-даҳалари, Шарқ, Ал Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон турар жой мавзелари, Тақачи, Гулистон, Ширин, Лутфий, Катта Хирмонтепа, Кичик ҳалқа йўли кўчалари, Фозилтепа 2- тор кўчаси.

**10-ИМ**
19 июнь ва 16 июль кунлари — Фаробий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Шифокорлар, Талабалар, Қамарнисо кўчалари, Шифокорлар 2-кўчаси, Ёшлик, Чимбой, Жарариқ, Қорақамиш-2/3,2/4, Тансиқбоев-1,2,3,4, Қамарнисо, Ўз.МУ-ТошДТУ, Олимпия, Абу Али ибн Сино - 1,2, Белтепа микротуманлари, Шифокорлар шаҳарчаси.

**ИЭМ (М-0)**
12 июль ва 2 август кунлари — Рашидов, Бобур, Шота Руставели, Боғибўстон, Арнасой, Катта Чилонзор, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, Чилонзор мавзеси 1÷5, Е, И даҳалари, М-7 турар жой мавзеси.

**ИЭМ (М-5,8)**
28 июнь ва 26 июль кунлари — Амир Темур шоҳ кўчаси, Навоий, Бобур, Глинка, Афросиёб, Қумариқ, Я. Ғуломов, Буюк Турон, Бухоро, Истиқлол, С.Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Зарафшон, Кичик ҳалқа йўли, Шаҳрисабз, Т.Шевченко, Нукус кўчалари, Қушбеги, Бошлиқ, Учувчилар шаҳарчаси, М-1,2,4,5,7 турар жой мавзелари.

**«Водник»**
қозонхонаси 25 июнь куни — «Сувсоз» турар жой мавзеси доирасида, Ҳусайн Бойқаро кўчаси.

**“ТТЗ” қозонхонаси**
19 июнь ва 3 июль кунлари — ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий турар жой мавзелари доирасида, Аҳиллик, Буюк Ипак йўли, Гулсанам, Юзработ кўчалари.

*Эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёт бўлишлари талаб этилади.*

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезсангиз 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ БОКУ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

***Бокуда «Жонли тарих» халқаро фестивали доирасида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди.***

Юртимизнинг бу борадаги бой имкониятлари ҳамда мамлакатимизда сайёҳлар оқимини кўпайтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан халқаро ҳамжамиятни таништириш мақсадида ташкил этилган мазкур тақдимот маросимида Озарбойжон ҳукумати аъзолари, ижтимоий-сиёсий, ишбилармон доиралар, ижодий жамоатчилик, давлат ва хусусий сайёҳлик агентликлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, дипломатия корпуси ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Тақдимот чоғида унинг қатнашчилари Ўзбекистонда сайёҳлик жабҳасини янада ривожлантириш, унинг инфратузилмасини халқаро андозаларга мос тарзда такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, мамлакатимизнинг бой тарихи, Тошкент, Самарқанд, Бухора, Хива, Шаҳрисабз ва Фарғона водийси шаҳарларининг кўҳна меъморий ва маданий ёдгорликлари билан танишдилар.

Икки кун давомида Ўзбекистон бўлмаси халқаро анжуманнинг кўп сонли қатнашчилари ва меҳмонларининг диққат марказида бўлди. Улар ўзбек халқ усталари томонидан яратилган ранг-баранг мато ва миллий либослар, эсдалик совғалари сингари ўзига хос ва бетакрор амалий санъат буюмларини кўриб завқланиш ҳамда ўзбек таомларидан татиб кўриш имконига эга бўлдилар.

Халқаро анжуманнинг айрим иштирокчилари Ўзбекистон бўлмасидан орттирган ўз таассуротларини ўртоқлашдилар.

— Бой ва қадим тарихга ҳамда маданиятга эга бўлган мамлакатингиз бўлмасида ўзимизни худди Ўзбекистонга боргандек ҳис қилдик, — деди **«Достлуг-Дружба» халқаро жамоатчилик ташкилотининг вице-президенти Рена Аббасова.** — Менинг фикримча, кўҳна Боку фестивалида Ўзбекистон Республикаси муносиб равишда тақдим этилди. Кўргазма пештахталаридан жой олган гиламдўзлик, тўқимачилик, миллий каштачилик маҳсулотлари, миллий либослар, чинни ва кулолчилик буюмларининг гўзал ва ўзига хослиги ўзбек халқ амалий санъатининг нақадар ноёб ва нафислигидан далолат беради.

**Форарлберг округи губернатори (Нидерландия) М. Вальнер**нинг маълум қилишича, у қисқа вақт ичида сайёҳликни сезиларли даражада ривожлантиришга ҳамда унинг янги йўналишларини яратишга эриша олган Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан манфаатдордир. «Мамлакатдаги барқарорлик, ўз анъаналарини, тарихий меросини авайлаб-асраб келаётган халқнинг меҳмондўстлиги ҳамда сайёҳлик соҳасидаги юқори даражада хизмат кўрсатиш тизимининг мавжудлиги сингари омиллар Ўзбекистоннинг жозибадорлигини янада оширмоқда», деди у.

**Нидерландиянинг «Verreisen» сайёҳлик компанияси директори И.Вайс** қайд этганидек, сўнгги йиллар мобайнида Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш истагида бўлган сайёҳлар сони дунё миқёсида ошиб бормоқдаки, бунинг сабаби мамлакатда сайёҳлик инфратузилмасини модернизациялаш мақсадида кенг қамровли ишларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани билан изоҳланади. «Нидерландия аҳолиси ўртасида ҳам қадимий ўзбек шаҳарларига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда, шу боис компаниямиз ҳар йили мамлакатингизга саёҳатчиларнинг қатор гуруҳлари жўнатилишини уюштирмоқда.

**«Жаҳон» АА**
**Боку**

# WWW.UZ КАТАЛОГИНИНГ НУФУЗИ ОШМОҚДА

***WWW.UZ миллий каталогининг «Бизнес» бўлимида жойлашган сайтлар миқдори бўйича биринчи поғонани эгалламоқда. Ушбу маълумот UZINFOCOM компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш марказининг 2013 йилнинг 4 майида эълон қилинган таҳлилий материалларида келтирилган.***

Каталог рўйхатидан ўтган сайтларнинг сони жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, 8 минг 18 тани ташкил этган. Улардан «Бизнес» бўлимидаги сайтлар 2 мингтага етиб, жами сайтларнинг чорак қисмини, яъни 25,74 фоизини банд этган.

Агарда каталогни мавзу қурилиши жиҳатидан кузатишни давом эттирсак, кўнгилочар порталлар иккинчи (14,72 фоиз), таълимга оид веб-ресурслар учинчи ўринни (13,94 фоиз) эгаллагани маълум бўлади. Озгина фарқ билан бир бирини ортда қолдираётган беш йўналишдаги сайтлар кейинги ўринларни эгалламоқда: Hi-Tech — 13,73 фоиз, Жамият — 9,71 фоиз, Уй — 5,63 фоиз, Янгиликлар ва ОАВ — 4,75 фоиз ва Маданият — 3,92 фоиз. Рўйхатни Спорт (2,91 фоиз), Фан (2,74 фоиз) ва Давлат органлари (2,19 фоиз) сайтлари якунламоқда.

UZINFOCOM компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази 2002 йилда Президентимизнинг Фармони асосида ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг таркибига киради.

UZINFOCOM маркази зиммасига муҳим стратегик миллий дастурларни ишлаб чиқиш ва реализация қилишда кўмак бериш ҳамда иқтисодиёт, бошқарув ва ижтимоий соҳаларнинг барча жабҳаларига ахборот технологияларини жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ва жаҳон ахборот жамиятига киришини таъминлаш юклатилган.

**«Туркистон-пресс»**



Спорт янгиликлари

# САМБО БЎЙИЧА НУФУЗЛИ ЧЕМПИОНАТ БОШЛАНДИ

***Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида Осиё самбо федерацияси (ASF), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон самбо федерацияси ҳамкорлигида самбо бўйича Осиё чемпионати ва самбо юлдузлари иштирокидаги жаҳон чемпионати бошланди.***

Чемпионатда Янги Зеландия, Судан, Нигерия, Жанубий Корея, Ироқ, Непал, Сурия, Россия, Қозоғистон, Туркманистон каби йигирмадан зиёд давлатдан 500 нафарга яқин спортчи куч синашмоқда. Ватанимиз шарафини етмишга яқин полвонларимиз ҳимоя қилишади.

Таъкидлаш керакки, юртимиз бундан аввал ҳам самбо бўйича қитъа ва жаҳон чемпионатларига бир неча бор мезбонлик қилган. Бунга мисол сифатида 2012 йил пойтахтимизда ўтказилган катталар, ёшлар, ўсмирлар ва хотин-қизлар ўртасида Осиё очиқ чемпионатини келтиришимиз мумкин. Ушбу турнирнинг ташкилий жиҳатлари хорижлик мутахассислар ва спортчилар томонидан юқори баҳоланганлиги самбонинг мамлакатимизда жадал ривожланаётганидан далолат беради.

Мусобақанинг илк кунида, биринчилардан бўлиб, 52 килограммгача бўлган самбочилар ўртасидаги финал баҳсида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Шавкат Жўраев покистонлик Анвар Сайид устидан соф ғалаба қозониб, Осиё чемпиони бўлди.

— Мен Осиё чемпиони бўлганимдан жуда хурсандман, келажакда Олимпиада, жаҳон чемпионати ва шу каби нуфузли мусобақаларда ғолиб бўлишга, Ватаним байроғини юқори кўтаришга ҳаракат қиламан, дейди ғалабадан руҳланган тажрибали полвонимиз Шавкат Жўраев.

Аёллар ўртасида эса туркманистонлик Айна Зарипова индонезиялик Эндаҳ Ҳариатини енгиб, дастлабки олтин медални қўлга киритди.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ**

**СУРАТДА:** турнирдан лавҳа

**Алексей Попов олган сурат**

***Шаҳримиздаги «Қушбеги» спорт мажмуасида шарқ яккакураш тури — пинчак силат бўйича мамлакат биринчилиги ниҳоясига етди.***

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамда Пинчак силат федерацияси ҳамкорликларида ташкил этилган мусобақада юртимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган 200 нафардан зиёд спортчи қатнашди.

Комплекс машқларини бажариш бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги баҳсларда олтин медалларга Тошкент шаҳри жамоаси аъзолари — Элёрбек Алиев, Жамолиддин Орипов, Наргиза Сарсенбоева ҳамда Елизавета Қодирова эгалик қилишди.

Эркаклар ўртасида эса Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, ҳамшаҳримиз Игорь Ким, аёллар баҳсларида самарқандлик Ситора Бобокалонова шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллади.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри спортчилари биринчи ўринни эгаллаган бўлса, фахрли иккинчи, учинчи ўринлар Самарқанд ва Наманган вилоятлари жамоаларига насиб этди.

Яккама-якка кураш бўйича ўсмирлар ўртасида ҳамшаҳарларимиз Ҳусан Сайфуллаев, жиззахлик Муҳаммад Тўрақулов, самарқандлик Жаҳонгир Жамолов, қизлар орасида фарғоналик Мухлиса Абдуллаева, андижонлик Ирода Кичикова, жиззахлик Нозима Саъдуллаева, Чарос Имонқулова, самарқандлик Муниса Раббимова, Навбаҳор Ҳамидовалар ғолиб бўлишди.

Эркаклар ўртасида тошкентлик Элдор Набиев, самарқандлик Шерзод Абдуғаниев, Суҳроб Рўзиев, фарғоналик Аслиддин Турсунов, Сардор Солиев, наманганлик Икромжон Эгамбердиев, хотин-қизлардан пойтахтлик Дилноза Латипова, Светлана Баловалар шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди.

# ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — БИРИНЧИ

***Кейинги йилларда юртимизда спортнинг амалий ва техник турларига ёшлар орасида қизиқиш кучайиб бораётганлиги таҳсинга сазовор.***

Шу боис ҳам ушбу спорт турлари бўйича ҳар йили Ўзбекистон чемпионати мусобақаларини уюштириш анъанага айланган.

Яқинда Наманганда корд авиамодели бўйича ташкил этилган Ўзбекистон чемпионатида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан келган 80 нафар спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Мусобақа иштирокчилари самолёт макети, тезкор модель тури, ҳавода фигурали учиш, бир-бирини қувиб ўтиш ва ҳаво ҳужумини қайтариш шартлари бўйича баҳслашишди.

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларни турли зарарли иллатлардан асрашга қаратилган мамлакат чемпионлиги учун кечган баҳсларда ҳамшаҳаримиз Сергей Саятний ғолиб бўлди. Фахрли иккинчи ўрин фарғоналик Алишер Мирзаевга насиб этган бўлса, бухоролик Муҳаммад Темуров учинчи ўрин билан кифояланди.

Мамлакат биринчилигида энг юқори натижани фарғоналик Заҳириддин Зайниддинов қайд этди. Тошкентлик Муҳиддин Бобораҳимовга иккинчи, наманганлик Сардор Умаровга учинчи ўринлар насиб этди.

Умумжамоа ҳисобида барча рақибларидан кўра муваффақиятли иштирок этган Тошкент шаҳри спортчилари ғолибликни қўлга киритишди. Фарғона ва Наманган вилояти жамоалари иккинчи, учинчи ўринлар эгаси бўлишди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Мустақиллик йилларида таълим тизимига берилаётган эътибор, амалга оширилаётган ижобий ислоҳотлар ўсиб келаётган ёш авлодни юксак маънавиятли, мустаҳкам иродали қилиб тарбиялашга қаратилгани сир эмас.***

Таълим масканларида

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида жойлашган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги 119та таълим муассасаларида 136883 нафар ўқувчилар таҳсил олади. Уларга 10512 нафар ўқитувчи-педагоглар таълим-тарбия бермоқда.

— Таълим муассасаларида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастлик ғоялари тарқалиши ва миссионерлик ҳаракатларининг олдини олиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, — дейди шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бош мутахассиси Замира Азимбаева. — «Оммавий маданият» билан боғлиқ мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи, одам савдоси, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятларнинг олдини олишда тарғибот-ташвиқотни кучайтириш бўйича бошқармамиз томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган янгиланишлар ва ўзгаришлар даври бўлганлиги, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида эришилаётган улкан натижалар Президентимиз раҳнамолигида танланган мустақил тараққиёт йўлининг тўғри эканлиги, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, изчил иқтисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини фаол ҳимоя қилиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш каби йўналишлар суверен давлатимизнинг адолатли ва инсонпарвар ички сиёсатида доимий устувор бўлиб келаётганлиги, жамиятнинг маънавий юксалиши ва шахс маънавий камолотига берилаётган эътибор билан яқиндан таништириш мақсадида барча таълим муассасаларида ҳамкор ташкилотларни жалб қилган ҳолда «Оқаётган сув қадри» мавзусидаги видеофильм намойиш этилиб, соҳа мутахассислари билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

Ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси Республика рассомчилик коллежида ўтказилди. Видеофильм ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

— Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дунёдаги бирорта давлат эртанги кун эгалари бўлган ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти учун қайғуриш, уларнинг замон талабларига мос билим олиши, касб-ҳунар танлаши, қобилияти ва иқтидорини эркин намоён қилиши ва янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишда Ўзбекистонга тенглаша олмайди. Шундай экан бизга берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, тинчликнинг қадрига етишимиз даркор, — дейди коллеж ўқувчиси.

Жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оила институти, ота-оналар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлиги ва натижасини таъминлаш мақсадида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўтказилаётган мана шундай маънавий-маърифий тадбирлар келгусида албатта ўзининг ижобий натижаларини беради.

**Зиёда РАСУЛОВА**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

***Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади***

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

**2013 йил «11» июль** **соат 10.00 да**

| № | Йўналиш рақами | Йўналиш номи | Ҳаракат таркиби тури |
|---|---|---|---|
| 1. | 13И | «Талабалар шаҳарчаси бекати – Чилонзор буюм бозори АШБ» | Микроавтобус |
| 2. | 27А | «Чорсу савдо маркази АШБ – 42-поликлиника бекати» | Автобус |
| 3. | 36М | «Ал-Хоразмий мавзеси бекати – Лабзак мавзеси бекати» | Микроавтобус |
| 4. | 82М | «Ислом Баҳром маҳалласи – Ҳувайдо маҳалласи» | Микроавтобус |
| 5. | 90И | «Дўмбиробод АШБ – Карвон бозори бекати» | Микроавтобус |
| 6. | 94М | «Қорақамиш 2/3 мавзеси бекати – Чорсу савдо маркази АШБ (Себзор даҳаси орқали)» | Микроавтобус |
| 7. | 105М | «Авиасозлар АШБ – Қўйлиқ 4-5-мавзеси» | Микроавтобус |
| 8. | 101А | «Улуғбек қўрғони бекати – М.Юсуф кўчаси АШБ» | Автобус |
| 9. | 121М | «Жомий маҳалласи – 4-сонли шаҳар клиник шифохонаси» | Микроавтобус |
| 10. | 130М | «Чилонзор 20-мавзеси АШБ – Консерватория бекати» | Микроавтобус |
| 11. | 133А | «Сергели-7-мавзеси АШБ – Тошкент вокзали АШБ» | Автобус |
| 12. | 141А | «Карвон бозори бекати – Олой бозори бекати» | Автобус |
| 13. | 145А | «Ўртаовул қўрғони – Қўйлиқ М2 АШБ» | Автобус |
| 14. | 149А | «Юнусобод 6-даҳа АШБ – Қорасув-1-мавзеси АШБ» | Автобус |
| 15. | 164М | «Истироҳат мавзеси – Чорсу савдо маркази АШБ» | Микроавтобус |
| 16. | 188М | «Шифокорлар шаҳарчаси АШБ – 16-шаҳар шифохонаси бекати» | Микроавтобус |

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга такроран қўйиладиган йўналишлар

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | 12И | «Феруза мавзеси бекати – Чилонзор буюм бозори АШБ» | Микроавтобус |
| 2. | 21И | «Ал-Хоразмий мавзеси – Чилонзор буюм бозори АШБ» | Микроавтобус |
| 3. | 25М | «Сергели 7-даҳаси АШБ – Қўйлиқ М-1 АШБ» | Микроавтобус |
| 4. | 30М | «Қорасув 1-мавзеси АШБ – Тошкент вокзали АШБ» | Микроавтобус |
| 5. | 62М | «Юнусобод 9-даҳаси АШБ – Аэропорт АШБ» | Микроавтобус |
| 6. | 98А | «Бек Тўпи савдо мажмуаси – Электрокабель заводи АШБ» | Автобус |
| 7. | 150А | «Юнусобод 19-даҳаси АШБ – Фарҳод бозори бекати» | Автобус |
| 8. | 155М | «Истироҳат мавзеси АШБ – Чилонзор 25-даҳа АШБ» | Микроавтобус |
| 9. | 199М | «Қўйлиқ М-2 АШБ – 4-шаҳар қабристони бекати» | Автобус |

**Тендер ташкилотчиси** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧОАКБ «Infin BANK»даги 20210000504197971001 ҳ/р (банк коди 01041, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га **118 минг 900 сўм** ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17 00 да) тўхтатилади.

**Тендер ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

**Маълумот учун телефон рақами:** 233-89-58

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ ким ошди савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Паркент тумани СИБ томонидан 1. 06.10.2010 й. № 1-349-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и.ч. «Газ-5204», д.р. 10 А 786 ВА. Бошланғич баҳоси – 1 908 713 сўм. 2. 21.09.2012 й. № 104/12/6028-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и.ч. «Ваз-21061», д.р. 01 W 937 FA. Бошланғич баҳоси – 2 770 385,4 сўм. Паркент тумани ХАТП 23-сонли автогаражда сақланмоқда. Ким ошди савдоси 2013 йил 24 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Қибрай тумани СИБ томонидан 3. № 3440-сонли ижро ҳужжатига асосан 1996 й. и.ч. «Газ-330210», д.р. 10 265 UAA. Бошланғич баҳоси – 7 409 800 сўм. «Иссиқлик манбаи»да сақланмоқда. 4. № 543-544-594-2952-2108-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и.ч. «Ласетти», д.р. 10 705 RAA. Бошланғич баҳоси – 33 068 800 сўм. 5. 19.03.2013 й. № 1-122/13-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и.ч. «Матиз», д.р. 01 М 023 СА. Бошланғич баҳоси – 7 667 043 сўм. «Koronamax Ekskluzive» МЧЖда сақланмоқда. 6. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 9585-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и.ч. «Зил-130», д.р. 11 AV 756. Бошланғич баҳоси – 8 320 062 сўм. «Чирчиқ шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлими»да сақланмоқда. 7. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 19.11.2012 й. ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и.ч. «ГБА СПГ - Нексия», д.р. 10 Х 933 ВА. Бошланғич баҳоси – 15 079 000 сўм. «Олмалиқ шаҳар ИИБ жарима майдони»да сақланмоқда. Зангиота тумани СИБ томонидан 8. № 936/24-сонли ижро ҳужжатига асосан «Блема» РКНД 40.3 русумли тунука банка ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна. Бошланғич баҳоси – 150 000 000 сўм. Зангиота тумани, Эркин қ.ф.й., ПКФ Баракат ҳудудида сақланмоқда. 9. № 4211/24-сонли ижро ҳужжатига асосан «Металл профилига ишлов берувчи (профнастил ишлаб чиқарувчи)» ускуна. Бошланғич баҳоси – 3 940 582 сўм. 10. № 4211/24-сонли ижро ҳужжатига асосан «Буғдойни қайта ишлаб чиқариш ускунаси» (тегирмон). Бошланғич баҳоси – 59 437 474 сўм. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий 2-берк кўчаси, 59-уй. 11. Ўртачирчиқ тумани СИБ томонидан 11.10.2012 й. № 1229/9534-сонли ижро ҳужжатига асосан «Трансформатор ТАМ 1000/10 квт». Бошланғич баҳоси – 44 096 000 сўм. Ўртачирчиқ тумани, Қумовул қ.ф.й., Паркент кўчаси, 15-уйда сақланмоқда. Ким ошди савдоси 2013 йил 8 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари ва мулклар билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Ким ошди савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш ким ошди савдоси кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Ким ошди савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0048 8730 5001, МФО: 00425, ИНН: 301 829 604. Ким ошди савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: (+99893) 577-22-12.

**«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**I. Савдога Учтепа туман СИБ томонидан:** ФИБ Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 27.09.2012 йилдаги 1-3420/12-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Жамшид кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий ер майдони 378 кв.м., фойдаланиш майдони 117,96 кв.м.дан иборат уй-жой такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 62 000 000 сўм.**

**Савдо 2013 йил 28 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2013 йил 26 июнь куни соат 18:00.

**II. Савдога Учтепа тумани СИБ томонидан:** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 11.08.2010 йилдаги ЖСХ 1-164/10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шодлик кўчасида жойлашган умумий майдони 352 кв.м. бўлган яшаш уйи, равон, айвон, ертўла, ошхона, омборхона, ҳожатхона ва бостирма биноларидан иборат 24-уй қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 297 629 000 сўм.**

**Савдо 2013 йил 15 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2013 йил 12 июль куни соат 18:00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани М-13, 9-уй, 25-хонадонда яшовчи Тораходжаев Садриддин Сайфидиновичга тегишли бўлган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **11 июнь** куни ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **11 июнда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 641
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11837 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.20
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ